

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ.

Алиева Нодира Фарҳодовна

*Тошкент вилояти Тошкент тумани 22 умумий ўрта таълим
ўқитувчиси*

Ватан равнақи, юрт тараққиёти пухта билимли, юксак маънавият ва кенг дунёқараш соҳиби булган ёшлар қулида. Бугунги кунда фақат юксак билимли, замоновий фикирлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимиизда турган энг эзгу мақсадларимиз-мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаравон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваломбор, янги авлод, ўниб ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Узоқни кузлаб айтилган бу сўзлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ёрқин ифодалайди. Жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳият, замоновий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлиқ қилиш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишидир. Хусусан, таълим мазмунини тубдан такомиллаштириш, соҳага янги педагогик технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ўқитувчи ва мурабийлар малакасини ошириш, улар меҳнатини рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганлиги ёшларимизнинг жаҳон стандартларига мос шароитларда билим ва тарбия олишларига имконият яратди [1]. Бугунги кунда республикамизда 9779 та умумтаълим мактаби, 1396 касб-хунар коллежи, ва 141 академик лицей мавжуд бўлиб, улардаги ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар энг замоновий техник усканалар билан жиҳозланган. «Баркамол авлод йили» давлат дастури 11 та йуналиш ва 102 банддан иборат бўлиб, унда болалар ва ёшларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий-норматив базани такомиллаштириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлиги муҳовазасини, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини кучайтириш





асосида ёш авлоднинг ҳар тамонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Спорт инсоний камолотнинг муҳим шарти бўлгани учун истиқлол йилларида ёшларни жисмоний тарбия ва спортта кенг жалб этиш масаласига жиддий эътибор берилди, жумладан, болалар ва ўсмирлар орасида, айниқса, қишлоқ жойларда спортни кенг ривожлантиришга оид қатор комплекс дастурлар қабул қилинди. Ёш авлодни она-юрга садоқат руҳида тарбиялаш улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда уч босқичли мусобақалар тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор. Аҳамиятли жиҳати, мазкур мусобақалар биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари битирувчилари гача — ёш авлоднинг барча вакилларини қамраб олади [2]. Бу борада кам таъминланган оиласлар фарзандлари, етим ва ногиран болаларни соғламлаштириш, уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун ҳам шарт-шароит яратиш доимий равишда давлатимизнинг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Тасдиқланган амалдаги таълим йўналишлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мутахассисликлари ва касбларнинг классификаторида 348 та мутахассислик ва 840 та касбни ўз ичига олади. Мамлакатимизда бугунги кунда 712 та касбни ўз ичига оладиган 268 та мутахассислик буйича кадрлар тайёрланмоқда. Мустақиллик даврида академик лицей ва касб-хунар коллежлари тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. 2008 йилда 169 та касб-хунар коллежи қурилди, 23 та академик лицей фойдаланишга топширилди. Ўзбекистан Республикаси ҳукумати 2005 йиллнинг 23 ноябрида «2006-2010 йилларда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва меҳнатидан фойдаланиш буйича намунали худудий дастур»ни қабул қилди. Ушбу дастур асосида ҳар бир маъмурий тузилма вилоятлар ва туманларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган худудий дастурлар ишлаб чиқилди, ҳокимликлар ҳузурида ҳокимлар раҳбарлик қиладиган ҳамда таркибиға давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилган мувофиқлаштириш кенгашлари ташкил этилди.

Таълим жараёнида ўқувчи ёшларнинг ақлий фаолиятини, тафаккурини ривожлантириш жараёнида мантиқий тафаккур, ақлий хулоса чиқаришга ўрганиб борилади. Ж. Пиаже ўз илмий тадқиқотларида интеллект тушунчаси устида иш олиб бориб, тафаккур ва интеллект тушунчаларига таъриф беради. Интеллект сўзи лотинча интеллестус – ақл, тафаккур қилиш фаолияти, атроф-муҳитни ақл ёрдамида ўрганиш маъноларини англатади [3].





Кўпинча интеллектуал салоҳиятга эга шахс тушунчасига дуч келамиз. Айнан ушбу тушунчани ўқувчилар, талабаларга тўғри тушунтириб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Муайян маконда аниқ қарор қабул қилишга ўргатиш, муаммони бутунича ёки бўлакларга бўлиб ўрганиш, тўғри қарор қабул қилиш йўлларини кўрсатиш лозим. Машхур психолог олим С.Л.Рубинштейн интеллект муаммосини ўрганар экан, уни икки бўлакка ажратади. 1) Атроф-муҳитни тўғри ўрганиш қобилияти. 2) Ушбу маконда ўзини тўғри идрок қилиш. XXI асрда интеллект универсал руҳий қобилият сифатида ўрганилмоқда [4]. Инсон муайян муаммони ўрганар экан, ушбу ўринда идрок қилиш ва мантиқий тафаккури орқали қарор қабул қиласиди, ўз олдига қўйган мақсадига етишиш учун ҳаракат қиласиди. “Интеллектуал қобилиятни тўғри шаклланган шахс ўз дунёқараши, ақлий қобилияtlаридан унумли фойдаланиб, етукликка интилади. Фавқулодда ҳолатларда тўғри қарор қабул учун интеллектуал янги билимлар олиш учун имкон яратади”.

Хулоса қилиб айтганда, Давлат умуммиллий дастурига мувофик, жойларда амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида Республикамизда билим даргоҳларида ҳам ўқитиш сифати, таълим-тарбия ишларини ташкил этишининг замонавий қулийликлари яратилган ҳавас қилгулик масканларга айланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. “Газета. uz”
2. Каримов И.А .Юкаск маънавият енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008 й.
3. Ўзбек педагогикаси антологияси (икки жилдли). I - жилд - Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тарқиёти тарихидан. - Т.: Ўқитувчи, 1997.

